

# НИЗКИЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (БОЛЬШЕВИК)ЛАР ПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТ, ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ  
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРОЛИЯ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 200 (7647)

26  
АВГУСТ  
ШАНБА  
1950 йил  
БАҲОСИ  
20 ТИНИН.

Пахта йиғим-теримига большевикча уюшқоқлик блан киришайлик! (1-нчи бет).  
Саноатда ва темир йул транспортда 1950 йил июль ойи планининг бажарилиш яқунлари ҳақида Ўзбекистон ССР Статистика бошқармасининг ахбороти (2-нчи бет).  
У. Аҳмедов. — Колхозларни ташкилий-ҳўжалик жиҳатдан янада мустаҳкамлаймиз. (2-нчи бет).  
ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ.—И. Соли-

хов. — Илғор тракторчининг тажрибаси чалқаш ёзилган китобча ҳақида (2-нчи бет).  
Янги ўқув йилини шайлаиб кутиб олайлик! (3-нчи бет).  
ТЕАТР: А. Олимжон. — «Ипак қиз» (3-нчи бет).  
Руминиянинг озод қилинганига 6 йил тўлганлиги муносабати блан Бухарестда байрам (4-нчи бет).  
Қуриядаги воқалар (4-нчи бет).

## Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг пленуми

Яқинда Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг VI пленуми бўлди.

Пленум ўртоқ А. Ниёзовнинг «Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш вазифалари муносабати блан колхоз партия ташкилотларини мустаҳкамлаш ва қишлоқда оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги докладини ва ўртоқ А. Мавлоновнинг «ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхоз ва совхозларнинг жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш училлик плани (1949—1951 йиллар)» ҳақида чиқарган Қарорининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида»ги докладини эшитди ва муҳокама қилди.

Пленум муҳокама қилинган ҳар икки масала юзасидан кенг қарорлар қабул қилди.

## Ҳамма нарса пахта йиғим-теримига тахт қилинсин!

Республикамизнинг колхоз ва совхозлари бу йил ҳақиқатдан қараганда пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Ўзбекистоннинг муҳим вақти бўлиб қолган пахта йиғим-терими ортиқча вақт бўлиб қолди. Бу ҳақида «Ўзбекистон» газетасидаги мақолада қайдилган. Колхозчи ва совхозчи ҳозирнинг ўзидаёқ пахта-йиғим теримида пахта таъйёрлаш қўриб қўйдилар. Фарғона, Қўшғўли, Қўшқў, Октябрь қишлоқ советидаги «Қишлоқ кетман» колхозининг аъзолари пахта ҳосилини ўз вақтида нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш ва таъйёрлаш пунтига таъйёрлаш юзасидан амалий тадбирлар белгиладилар. Колхоздаги барча йўллар ремонт қилиниб, 24 та катта ва кичик кўприк тузатилади. 34 от боқува қўйилди, 11 арава ремонтдан чиқарилди. Теримчилар бригадаларга тақсимланб, улар учун 160 та этак ва 120 та қоп-қанор таъйёрланди. Сурхондарё, Шўрчи районидagi Сталин номи колхоз барча имкониятларини ҳисобга олиб, ҳосилнинг 45 процентини сентябрь ва 55 процентини октябрь ойида йиғиб-териб олишни планлаштирди. Теримчиларнинг умумий ишлашлари учун зарур бўлган барча шартнолар яратилди. Ҳарбир бригадала иссиқ оғдат, кўма ясли ташкил қилинди. Пахта теримида ишлаш учун 600 дан ортиқ ички ажратилди. Колхозчилардан 103 киши мавсумда 10 минг килограмдан пахта териб мажбуриятнинг олди.

Пахта йиғим-теримига таъйёрлаш қўриқларида камчиликларни дарҳол тўлатиб, бутун ишни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг пахта ҳосилини териб ва таъйёрлаш пунтига таъйёрлаш тўғрисидаги Қарорини асосда ташкил қилиш — ҳозирги куннинг энг муҳим ва асосий вазифасидир. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, пахтачилик ва қишлоқ кўприкларни тарғиб қилиш ва имкониятларини, моддий-техник воситаларини пахта таъйёрлаш ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказишга сафарбар қилишлари керак. Буни учун даставвал пахта йиғим-теримини шайлаиб кутиб олиш, йиғим-терим бошланғичларни аравадор, бичқачлар, топ-тарозилар, этак, қоп-қанорлар ва хирмон жойларини тахт қилиб қўйиш, йўл-кўприкларини тўла ремонтдан чиқариш лозим. Пахта таъйёрлаш ишларидан автомашина ва от-улов кучларини мавсумга пухта таъйёрлаш керак.

Ҳарбир колхоз ва совхозда пахта ҳосилини териб ва давлатга топшириш юзасидан тузилган иш планини теримнинг биринчи кунлариданоқ бажариб бориш—пахта йиғим-терими кампаниясини муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир. Район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, колхоз раҳбарлари ва совхоз директорлари бунга алоҳида эътибор беришлари, планда кўзда тутилган ишчи кучлари ва транспорт воситаларидан тўла ҳамда умумий фойдаланишлари керак.

Ўзбекистон ҳукумати ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети бу йил ҳарбир колхоз ва совхозда пахтаини камда 80 процентини оғдор, биринчи ва иккинчи сортлар блан, шу жумладан сентябрь ойида фақат оғдор ва биринчи сорт блан пахта терилиши ва давлатга топширилишини энг муҳим вазифа қилиб қўйди. Шу сабаб теримнинг дастлабки кунлариданоқ пахтаини кўсақларини тўла очилишига қараб сортлари бўйича пешма-пеш териб бориш керак, етилмаган ва нам бўлган пахтаини териб асло йўл қўймастик лозим.

Пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнати тўғрисида етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай тўла-тўқис сақлаш ва давлатга топшириш — умумхалқ ишидир. Колхоз раҳбарлари, партия ва комсомол ташкилотлари йиғим-теримнинг биринчи кунлариданоқ нобудгарчиликка қарши шарафатсиз кураш олиб боришлари ва колхозчиларни ана шу рўхда тарбиялашлари лозим. Колхозчилар ва совхоз ишчиларининг умумий ишлашлари учун меҳнатни тўғри уюштириш ва зарур бўлган барча шартноларни яратиб бериш зарур. Шунга эришиш керакини, ҳарбир колхоз ва совхозда намунали болалар яслари, боғчалари ва майдончалари ташкил қилинсин, дала ишчиларини оммавий-сиёсий ишларнинг марказига айлантирилинсин.

Партия ташкилотлари терим даврида муваффақ иш плани тузиб, коммунист ва комсомолларни муҳим устасларга тўғри тақсим қилишлари, уларнинг авангардлик ролини ҳарҳолдан ҳам опширишлари, колхозчилар ва совхоз ишчиларини ўртакда оммавий-сиёсий ва маданий-ағартув ишларини янада кучайтиришлари керак. Вешиқчилар, етишимчилар ва ўқингичлар ҳаркетинини социалистик муносаба асосида ҳартарафлама кенгайтириш лозим.

Кеча Тошкентта Ўзбекистон ва Тожикистон пахтакорларини ўртакда тузилган социалистик муносаба шартномасининг қандай бажарилаётганлигини текшириш учун қардош тожик халқининг делегацияси келди. Пахтакор ўртоқлар! Мусобақаларимизнинг келишига жавобан пахта йиғим-теримига таъйёрлаш ҳартарафлама кучайтирилайлик! Ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун пахта йиғим-теримини шайлаиб кутиб олайлик!

## Тожикистон пахтакорларининг делегацияси Тошкентга келди

Ўзбекистон ва Тожикистон пахтакорлари ўртасидаги социалистик муносаба шартномасининг қандай бажарилаётганлигини текшириш учун қардош тожик халқининг делегацияси 25 августда Тошкентга келди. Делегацияга Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. П. Саламатов бошчилигида бўлди. Делегация составида Тожикистон ССР Қишлоқ ҳўжалик министри С. Масандов, Сталинобод область Хисор районидagi Молотов номи колхозининг раиса А. Хасанов, Сталинобод область, Ортоқиндиқойил районидagi Хўжабойкул қишлоқ советининг раиси С. Содиқова, Сталинобод область Хисор районидagi Дарвинский номи колхозининг брига-

да бошлиғи К. Ашурова ва бошқалар бўлиб, ҳаммаси 11 киши бор. Аэродромда меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раис Ш. Рашидов, Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари С. Намолов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари В. Содиқова, Тошкент область партия йиғитининг секретари А. Тўхтабоев, министрлар ва уларнинг ўринбосарлари, республика пойтахти жамоатчилигининг раҳбарлари кутиб олдилар. Тожикистон ССР пахтакорларининг делегацияси Ўзбекистондаги пахтакор колхоз ва совхозларнинг иши блан таънашди. (ЎЗАТА).

## Пахта йиғим-теримига большевикча уюшқоқлик блан киришайлик!

### Йириклаштирилган колхозда пахта йиғим-теримига таъйёргарлик

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териб ва таъйёрлаш пунтига таъйёрлаш тўғрисида» деб чиқарган Қарорини Қорақалпоғистон АССР, Тўртқўл районининг колхозчилари зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар. Районнинг ҳамма колхозларида бу муҳим Қарорни муҳокама қилишга бағишланган умумий йиғилишлар ва бригадаларнинг ишлабчиқариш кенгашилари бўлди. Бу йиғилиш ва кенгашиларда пахта йиғим-терим кампаниясини таъйёргарликни кучайтириш, йиғим-теримни уюшқоқлик блан ўтказиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди. Коммунист овул советидаги Усмон Юсупов номи колхозга уч колхоз қўшилиб, йирик колхозга айланди. Ҳозир колхоз 608 гектар пахта майдонига эга. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Қарори колхозда кенг муҳокама қилиниб, йиғим-теримга таъйёрлаш юзасидан амалий иш план тузилди. Махсус йўл бригадалари 15 километр узулигидаги йўлни тузатиб, 12 жойга кўприк соддилар. Пахтачилик бригадаларида 14 хирмон жойи ремонт қилиниб, 13 та пахта сушилмаси қурилди. Сушилмалар учун 40 тоннадан ортиқ ёқилги жамағари қўйилди.

Колхоз раҳбарлисини транспортни

### Ҳамма нарса тахт қилинди

Қашқадарё область, Шаҳрисабз район, Наматон қишлоқ советидаги Сталин номи колхоз қиёнда Ворошилов номи колхоз блан бирилади. Сталин номи колхозининг пахта ери 404 гектарга етиди, ишчи кучлари қўйилди. Августнинг биринчи кунини йиғим-теримнинг пунтига таъйёрлаш юзасидан амалий ишлар қилиниб, ҳамма ерда ҳосилнинг текис етилишига эришилди.

Колхозчилар далаларда етиштирилган мўл ҳосилни нобуд қилмай, ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун қизил таъйёргарлик қўйдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «1950 йилги пахта ҳосилини териб ва таъйёрлаш пунтига таъйёрлаш тўғрисида»ги Қарорни муҳокама қилиб чиқилгандан кейин, тез кунда пахта йиғим-теримига таъйёргарлик ишлари туғалланди. Ҳамма бригадалар биттадан натта хирмон ва 31 та кичик хирмон таъйёрланди. Хирмонларга йиғинга қарши кураш асбоблари қўйилди. Дала

пахта ташишга таъйёрлаш ҳақида ўз вақтида зарур чоралар кўрди. 100 арава ва 3 та юк автомашинаси тахт қилиб қўйилди. Колхоз ҳар кун таъйёрлаш пунтига бирнеча ўн тонна пахта етказиб беради.

Колхоз раиси ўртоқ Еқубов бундай деди: — Бу йил биз давлатга оғдор ва биринчи сорт пахтаини кўпроқ топшириш учун бутун куч-қувватимизни сарфлаймиз. Таъйёрлаш пунтига ва МТС агрономлари пахтаини сортларга ажратиб териб тўғрисида колхозчилар блан суҳбатлар ўтказдилар, уларни сортларнинг эгалонлари блан таништирдилар. Пахта теримида 650 киши ишлайди. Ҳамма теримчилар учун этаклар тахт қилиб қўйилди.

Терим вақтида колхозчиларга маданий ва маърифат хизмати яхшилаш мақсадида қизил хойхона яхши жиҳозланди, дала ишчиларига қизил бурчаклар очилди. Колхоз кутубхонаси янги адабиётлар олди. Колхоз раҳбарлисини ҳаваскорлар тўғрисидаги музика асбоблари сотиб олди.

Колхоз аъзолари пахта таъйёрлаш йиллик планини 1 ноябрдан кечинмай бажариши, 1 ноябрдан ҳар гектар ерда камид 35 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Г. КАРИМБЕРДИЕВ.

### Пахта таъйёрлаш пунтлари кенгайтирилмоқда

ТЕРМИЗ. («Қишлоқ Ўзбекистон» муҳбиридан). Сурхондарё областида кейинги йилларда бирнеча миң гектар янги ер ўзлаштирилди. Айниқса, Шеробод ва Жарқўрғон районларининг Ангор ҳамда Талли Марон участкаларида янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобига пахта майдони кенгайтирилмоқда. Бу ерларда янги МТС ташкил этилиб, Шерободнинг тоғлиқ участкаларидаги қишлоқларга ўнлаб колхоз кўчиб кетди. Уттан йили биргина Талли Марон участкасида бир ярим миң гектар ерга чигит экилган бўлса, бу йил 3 миң гектардан ортиқ ерга чигит экилади.

Областада пахта майдони кенгайтириш блан бирга, пахта таъйёрлаш пунтлари ҳам кўпайтирилмоқда. Уттан йили ташкил этилган Ангор пахта пунти бу йил анча кенгайтирилди. Пунт атрофида 700 метр девор урилди. Янгидан 8 та майдонча, бирнеча оғдор, ядора, лаборатория биноси, ички-хизматчилар учун тураройлар қурилди.

Теримиз пахта заводида қарашли 7 та қабул пунтининг ҳаммаси ҳам сифатли ремонтдан чиқарилди. Утта пунтида янгидан машина-тароза қурилди, барча қабул пунтлари малкавали кадрлар блан таъинланди. Пунтларда пахтаини яхши сақлаш учун керакли асбоблар таъйёрланди. Теримиз ва Жарқўр-

ғон пахта пунтлари хизмат қиладиган колхозлар учун 30 миңдан ортиқ қоп-қанор, 20 миңга яқин икки-уч хонали этак таъйёрлаш қўйилди. Булар колхозларга сотилмоқда.

Сурхондарё областидаги ҳамма районлар ҳам август ойининг охирида пахта териб олишга тайёр. Област колхозлари ва пахта таъйёрлаш ходимлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг 1950 йилги пахта ҳосилини териб ва таъйёрлаш пунтига таъйёрлаш тўғрисидаги Қарорини зўр қўниқиб блан кутиб олдилар.

Областининг Шўрчи, Денов, Сарисеё, Ҳайробоод пахта пунтлари ҳам муддатидан олдин ремонтдан чиқарилди.

Теримиз пахта заводи (директори ўртоқ Муҳиддинов, бош инжениери ўртоқ Соколов) янги мавсумга пахта таъйёрлаш кўрмоқда. Завод капитал ремонтдан чиқарилди. Давлат комиссияси ремонтнинг сифатига юқори қосиб берди. Заводда меҳнат унвонини ошрадиган бирмунча амалий тадбир қўрилди. Ҳар кун 35—40 процент ички кунини тежаш имкониятини берадиган вагон-тарози қурилиб битказилди.

Л. ЭРГАШЕВ.

### Пахта пунтлари янги мавсумга таъйёрланмоқда

Фарғона область, Киров районидagi Раққон пахта пунти бу йил 1,5 гектар кенгайтирилиб, 5 жойга пахта майдони қилинди. 7 та пахта оғдори, лаборатория асбоб-ускуналари, 4 тароз сифатли ремонт қилинди. Бундан ташқари, 3 та цемент ҳовуз қазилиб, йиғинга қарши кураш учун машина ва асбоб-ускуналар олинди. Пунт атрофи девор блан ўралди, 40 та брезент, колхозлар учун 100 этак, 525 қоп-қанор таъйёрланди.

Қ. УЗОҚОВ.

Самарқанд область, Булуғтур районидagi Келдон пахта пунтининг ходимлари янги мавсумга таъйёрланб, пунтни муддатидан олдин ремонтдан

чиқардилар. Пахта сақланадиган 7 та шийпон, 500 тонналик майдонча, 2 оғдор ва барча иморатлар жорий ва капитал ремонтдан чиқди. 1,600 қанор 6 та брезент, 900 та этак таъйёрланди. Ёнигига қарши кураш асбоблари тахт қилиб қўйилди. Йиқитта ҳовуз қазилди. 2 та автомат тарози ва бошқа тарозлар ремонт қилинди. Ишчилар учун 6 та ётоқхона таъйёрланди.

Бу йил янги ҳовуз, хизматчилар учун йилора ва лаборатория бинолари солинди. Лаборатория асбоб ускуналар блан таъин этилди. Ремонтчилардан Абдуллаев, Назаров, Исмомов, Рақмонов ўртоқлар кунлик нормаларини 2—3 хисса ошириб бажардилар.

Ж. СУЛАЙМОНОВ.

### Пахтаини машина блан теруви кадрлар

Совет конструкторлари яндоқ қилган пахта териб машинасини қишлоқ ҳўжалик машинасининг техникасининг натта ютуқларидан биридир. СХМ-48 маркали пахта теруви машина ва ўзанинг барини суғий равишда тўқиб учун шилталидиган ОДН маркали пурақич-чанглагич машина анчагина муваффақ қилинган.

Пахтаини машина блан терилдиган қаргалар тўғри таъйёрланган ва ҳайдовчи-механиклар машинани ҳайдаш, қарап ва ишлатиш қондаларини ўзлаштириш бўлсалар, пахта теруви машина қаноатланури ишлайди. Буни ўтган йилги тажрибалар аниқ кўрсатди.

Биз ўтган йили пахта теруви машинада ишловчи 346 та ҳайдовчи-механик таъйёрланган эдик, бу йил 500 ҳайдовчи-механик таъйёрланмоқда. Ҳозирги нунда магдебимизда Тошкент область МТСларидан келган 200 га яқин универсал-тракторчи пахта териб машинани ўрганмоқда. Уттан йил Чиноз районда 350—450 центнердан пахта терган Исҳоқов, Нефедов ва Шиназаров ўртоқлар бизнинг магдебимизда тарбияланган эдилар.

Машинани ўзлаштириш учун ун юзани ўқиб ёни фақат ҳайдабйилш мутлақо кифой қилмайди. Машинанинг

вазифаси, тузилиши, ишлатиш, унга қараш ва содир бўлидиган камчиликларини тузатилиш ҳамда бу ишларни фақат назарий жиҳатдан билиш блан қаноатланмасдан, балки амалда қилайлик жуда зарур, биз бунга иккуний эътибор берамиз. Машинанинг тузилишини ўрганишда унинг механизмининг ўзи амалий машгулотларни ҳам олиб боради. Биз ўқингичларини «универсал» тракторда ишлатишга қарамай, ҳарбир ўқингич СХМ-48 машинани бошқаришга ва унга техника жиҳатдан тўғри қарашга ўргатамиз. Биз ўқингичини билишини аниқлашда унинг машинани ишлатиш вазифасини тез ва сифатли бажаришга қараймиз.

Кимда-ким ўқиб даврида машинага тўла-тўқис ўзлаштирса, у далада муваффақият блан ишлайди. Механизатор кадрлар таъйёрлашдаги кўпийлик тажрибамиз шунини исботлайди. Чиноз райондаги 1-нчи МТС коллективининг мураббатига кадрлар таъйёрлаш ишига катта эътибор бериш таъриф этилади, биз бу валифани шараф блан бақарамиз.

Т. УМАРОВ. Тошкент пахтачилик механизацияси магдебимини директори.

### Намида 60 гектар ердаги пахтаини тераман

Мен Чиноз районидаги 1-нчи МТСда 1943 йилдан бери тракторчи бўлиб ишлайман ва йил сайин топшириларини оғини блан бажариб келаман. Мен бу йил 1,057 гектар ердаги гўзани ўз тракторим блан ишладим. Ишнинг фахат андиқори учун курашмасдан, балки кўпроқ сифати учун курашдим. Мен тракторнинг «етиқ» этакан бунга овозига кўлоқ солиб ишлайман, унга доим техника қондаларига мувофиқ қарайман. Ўз вақтида мўйлаб, барча қисмларини кўнгилдагидек содлаб ишлатаман.

1949 йилда МТСимиз хизмат кўрсатган колхоз далаларидаги пахтакорларнинг бир қисми машина блан терилди ва бу машиналар кўп участкаларда муваффақият ишладилар. Мен бултурги йилдаёқ пахта теруви машинани ўрганиб олишга ишдабоз бўлган эдим, энди мақ-

садимга эришмоқдаман. Мен ҳозир Тошкент пахтачилик механизацияси магдебимини пахта териб машиналарини учун ҳайдовчилар таъйёрловчи курсда ўқинмоқдаман. Мақсадим шу машинани ҳам ўзлаштиришдир. Мақтабда пахта теруви машинани ўрганиб олиш учун барча имконият бор, мен улардан қўлимдан келганича фойдаланмоқдаман.

МТС коллективининг пахтаини машина блан теруви барча тракторчиларга қарата ёган мураббатини ўқиб, машинани мукамалроқ ўрганишга яна ҳам кунт блан киришдим. Мен машинани ҳайдаш ишчи ўрганиб олиб, бу йил камда 60 гектар ердаги пахтаини териб бераман.

С. ХОЛМАТОВ. Чиноз райондаги 1-нчи МТСнинг универсал-тракторчиси.



Кеча Тошкентта қардош Тожикистон пахтакорларининг делегацияси келди. Суратда: (чапдан ўнгга) делегация раҳбари, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Саламатов, Сталинобод районидagi Ленин номи колхозининг раиси М. Махдумалиев, Хисор районидagi Молотов номи колхозининг раиси А. Хасанов, Оранпокидиқойил районидagi Хўжабойкул қишлоқ советининг раиси С. Содиқова ва Хисор районидagi Дарвинский номи колхозининг бригада бошлиғи К. Ашурова ўртоқлар.

Саноатда ва темир йўл транспортида 1950 йил июль ойи планининг бажарилиш яқунлари ҳақида
Ўзбекистон ССР Статистика бошқармасининг ахбороти

Table with 2 columns: Category (e.g., Cement, Iron, Steel) and Value (1950 July plan fulfillment %).

Table with 2 columns: Ministry (e.g., Ministry of Heavy Industry, Ministry of Light Industry) and Value (1950 July plan fulfillment %).

Table with 2 columns: Product (e.g., Coal, Oil, Iron) and Value (1950 July plan fulfillment %).



Оҳангарон қончилари Шахтёрлар кўнини иш нормаларини ошириб бажариш билан кўтиб олмақдалар. Сурада: нормасида ҳар кун 120-130 процента етказиб бажарилган ўрқоқ Асан Рамабов.

Мақсадим тинчликдир

Men—совет солдати, муқаддас бурчим... Ғалаба байроғини зарҳалда бор. Юракда жангдор, буюқ йилларнинг...

ТАНКИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ
Илғор тракторчининг тажрибаси чалкаш ёзилган китобча ҳақида

Ўзбекистон Давлат нашриёти сўниги йилларда илғорлар тажрибасини оммага ёйиш юзасидан катта ишлар қилмоқда. Пахтакор, ғаллакор, чорвадор меҳнат қаргонлари, илғор қолхозчилар, трактор бригадалари ва тракторчилар...

Колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан янада мустақамлаймиз

Совет давлатига асос солган Ленин билан Сталиннинг қиллоқ хўжалигини янада мустақамлаштириш ҳақидаги буюқ қарорлар таянча қилди. Бولшевиклар партияси ва совет ҳукумати...

Ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли кишиларнинг бўлиши партиявий-ташкилий, сиёсий-оммавий ишларни қўлайлаштириш учун катта қўлайлик туғдиришда. Фрунзе номи колхозда янги йиллик партия мажлибига таянганлар ўрқоқ Зокиров, Киров номи колхозда...

И. СОЛИХОВ. Инженер-механик.



# ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

## ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚўМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТЛАРИ

ПХЕНЬЯН, 24 август. (ТАСС). Қурия Халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 24 август эрталаб куйидаги ахборотни чиқарди: Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда америка қўшинларига ва лисинмачи қўғирчоқ қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом эттирдилар.

Душман, Тагу (Тайку) мудофеасининг олдинги маррасида мустаҳкам мудофаа линияси қуриб, ва ҳамма кучларини сафарбар қилиб, авиация мадала билан бирнеча марта қарши ҳужум қилди. Лекин Халқ армияси ҳамма қўшин турларининг ўзаро биргаликда ҳаракат қилиши натижасида душманини қарши атаксини қайтарди.

Халқ армиясининг жанубий соҳил раёонида ҳужум қилаётган қисмлари 25-нчи америка дивизиясига ва денгиз шидда аскарлари отрядига зарбалар бериб, олға бормоқдалар.

22 августда Халқ армиясининг авиация қўшинлари Инчон (Чемульпо)нинг гарби-жанубида, Токсон (Токусук) ороли ёнида пайдо бўлган бир америка эсминини ботириди. Халқ армиясининг яна бир авиация қўшинлари кўнрақ қўшинларини Америка Қўшма Штатларида шиланган бир кемасини ботириди.

Америка авиациясини фронтда учраган мағлубияти учун ёлғи. Қуриянинг тинч шаҳар ва йишловларини ваҳшиларча бомбардимон қилишни ва ўққа тутишни давом эттирмоқда.

23 августда Халқ армиясининг денгиз артиллерияси Пхеньян раёонида янги америка қиручи аэропланини уриб таширди.

ПХЕНЬЯН, 24 август. (ТАСС). Қурия Халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 24 август кечқурун куйидаги ахборотни эълон қилди:

Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда америка қўшинларига ва лисинмачи қўшинларга қарши шиддатли жангларни давом эттирдилар.

Халқ армиясининг Гуын (Гун Ин) овоз қилган қисмлари душманини бирнеча қарши атаксини қайтарди, ҳужумни давом эттирмоқдалар. Бу раёнда жангларда Халқ армиясининг қисмлари душманини 200 дан ортиқ солдат ва офицерини асир олдилар. Қўлга, шу жумладан ракета тўплави, миномётлар, отир пулемётлар ва бошқа кўп қурол-ароғ ҳамда ўқ-дорлар ўлка олинди.

## ҚУРИЯДАГИ УРУШ ХАРАКАТЛАРИ ТўГРИСИДА АМЕРИКА МУХБИРЛАРИНИНГ ХАБАРЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 24 август. (ТАСС). Қуриядаги америка мухбирлари Қурия Халқ армиясини қўшинларининг Тагу (Тайку) раёонидаги ҳужум жангларига асосий эътиборни беришмоқдалар.

Америка Қўшма Штатлари ҳарбий-денгиз кучлари штабининг бошлиғи адмирал Шерман матбуот конференциясида гапириб, ҳозирги вақтда Қурияга денгиз шидда аскарларининг янги қисмлари, қуруқликда ҳаракат қилаётган қўшинлар ва ҳарбий-ҳаво кучлари келатирар, деди. Шерман Узоқ Шарқдаги ҳарбий-денгиз кучлари «янча кўпайти-

рилади, мадал кучларининг миқдори воқияларнинг бундан кейинги боришига қараб белгиланади» деди.

Сўнгра Шерман, Узоқ Шарқдаги ҳарбий-денгиз флотининг шахсий состави 45.000 кишига ортиди ёки 100 процент ортиди, денгиз шидда аскарлари бу ҳисобга кирмайди, деди. Шерман Узоқ Шарқдаги ҳарбий-денгиз кучлари қўмондонлиги ихтиёрида 150 кема бор, уларнинг сони ҳамон кўпаймоқда, деди.

НЬЮ-ЙОРК, 24 август. (ТАСС). «Ньюс уик» журналининг мухбири Курридан берган хабарига яқинда Чхан'ен (Синей), остоналарида бўлган жанглар вақтида америка денгиз шидда аскарлари жуда кўп талабот қўрилганини билдиради. Мухбирнинг айтишига қараганда, шимолий қуриядилар америка денгиз шидда аскарларининг атаксини қайтарганлар, бу қилиб жангдан кейин америка аскарларининг «руҳи тушган ва улар орасида саросима бошланган». Денгиз шидда аскарларининг бир солдати мухбирга, «Мен сиздан ҳозирга вақтда уларнида бўлган кишиларга шуни айтишганини сурайман, низо'ларни ҳал қилиш учун ҳозирга қараганда яхшироқ бир йўл топилиши керак» дедан.

## ҚУРИЯДАГИ УРУШ ХАРАКАТЛАРИ ТўГРИСИДА РЕЙТЕР АГЕНТЛИГИ МУХБИРИНИНГ ХАБАРИ

ЛОНДОН, 24 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Қурияда Макартур дала штаби ҳузурида бўлган мухбири хабар беради: уруш ҳаракатлари бораётган раёонлардан олинган сўнги хабарларга қараганда, фронтда кейинги 36 соат мобайнида қандайдир бир муҳим янжилик» ҳужм сурган.

# Руминиянинг овоз қилинганига 6 йил тўлганлиги муносабати блан Бухарестда байрам

БУХАРЕСТ, 23 август. (ТАСС). Мамлакатнинг овоз қилинганига олти йил тўлганлиги муносабати блан Бухарестда Генерал-ссимус Сталин позиция майдонда Бухарест гаринининг қўшинларининг парад ва меҳнаткашларнинг намоийни бўлди.

Хукумат миқолида К. Пархон, доктор Петру Гроза, Г. Георгиу-Дек, Анна Паукер, Василе Лука, Теохарий Жоржеску, Л. Радачану, И. Нишневский, Совет Иттифоқи маршали В. Д. Соколовский, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. И. Лаврентьев, СССР элчиси С. Н. Кагареладе, Хитой Халқ республикасининг элчиси Ван Юпин, Венгрия меҳнаткашлар партиясининг бош секретари ва Венгрия Халқ республикасини Министрлар Совети раисининг ўринбосари Маттас Ракоши, Польша республикасини Министрлар Совети раисининг ўринбосари Г. Чайковский, Чехословакия республикасини бош министрининг ўринбосари З. Фурцигер, Булгария Халқ республикасини ташқи сарвад министри Д. Галев, Австрия компаниясининг раиси Колленг ва бошқалар бор эди.

Миқор устига ўртоқ Сталиннинг катта портрети ва жуда кўп байроқлар қўйилган.

Парада Руминия Халқ республикасини қуролли кучлари министри генерал-полковник Боднараш нутқ сўзлади.

Румин халқи, деди, у, иттифоқлар зулмидан овоз қилингани учун Совет Иттифоқидан ва улуг Сталиндан беҳад миннатдордир.

Руминия меҳнаткашлар партиясининг раҳбарини остида меҳнаткашлар социализм қурмоқдалар. Марксизм-ленинизм та'лимоти уларнинг бахтиёр ҳаёт йўлини ёритмоқда.

Мамлакатининг меҳнаткашлари, деди сўнгра Боднараш, тинчлик учун қуршомоқдалар. Стокгольм Мурожатига Руминияда ўн миллиондан ортиқ кишининг йўл қўйганлиги бунинг яққол кўрсатади.

Боднараш империализм зулмидан овоз бўлиш учун курашаётган шонли қурия халқини ва бошқа халқларни сазимий табриқлади. Боднараш энгилмас

буоқ Совет Иттифоқини ва геннал Сталинни, халқ демократияси мамлакатларини, улуг хитой халқини, Германия демократик республикасини, Мўғулистон Халқ республикасини ва Вьетнамни чин қалбидан табриқлади. У ўз мамлакатларининг маршаллаштирилишига қарши курашаётган Франция, Италия, Бельгия халқларини ҳам табриқлади.

Боднараш инглиз-америка империализмига шармандаларга малайлик ва йосуслик қилаётган хоин, жаллод Титони қоралди.

Виз, деди Боднараш ўз сўзини давом эттириб, мамлакатинида социализм қуришдаги муваффақиятларини блан фахрланамиз. Руминия ишчилар партиясининг раҳбарини остида биз биринчи белгилинини амалга оширишга қиршамиз. Бу блан мамлакатининг ишчилар партиясини ва халқ-демократик усул йорани мустаҳкамлаймиз.

Боднараш ўз нутқининг охирида Руминия халқ армиясининг солдатлари ва офицерларини ўз ҳарбий маҳоратларини оширишга, янги техникани эгаллашга ва сталнича ҳарбий сан'атни чуқур ўрганишга қариди.

Боднараш ўз сўзининг охирида Совет Иттифоқи ва улуг Сталин шарафига табриқ сўзлари айтди. Бу сўзлар улуг давом этган кўнрақ «ура» овозлари ва гулдўроз қарсақлар блан кутуб олинди. Аскарлар параддан кейин меҳнаткашларининг намоийни бошланди. Намойини уч соатдан ортиқ давом этди. Намойинида 250 мингдан кўп киши қатнашди.

Намойини халқ-демократик Руминия меҳнаткашлар оммаси кўлга киритган муваффақиятларини кўридан ўтказиш шори остида, Совет Иттифоқи блан мустаҳкам дўстлик шори остида, тинчлик шига садоқат шори остида ўтди. Тинчлик симболи бўлган капталар омонда учиб юрди.

Намойинчилар миқор олдидан ўтган вақтларда миқорда гулдўрозлар тапшди. Улуг Сталин шарафига, Совет Армияси шарафига, Совет Иттифоқи шарафига, Руминия ишчилар партиясини ва унинг раҳбари Георгиу-Дек шарафига табриқ сўзлари янгради.

# Сталин шаҳрида тантаналар

БУХАРЕСТ, 24 август. (ТАСС). Руминия Халқ республикасини Буюк миллат мажлиси президиумининг Брашов шаҳрини Сталин шаҳри деб аташ тўғрисидаги декретини шаҳар аҳолиси зўр хурсандчилик блан кутиб олди. Шаҳарнинг номи ўзгартирилиши муносабати блан кеча 23 август номидаги майдонда блан митингга бирнеча ўн миңгач киши йиғилди. Майдонга снмаган халқ атрафидаги кўчаларга тўланди.

Буюк миллат мажлиси президиумининг декрети гулдўроз қарсақлар ва «Улуг Сталинга шон-шарафлар бўлсин», «Ишасин Совет Иттифоқи», «Ишасин румин-совет дўстлиги», «Ишасин Руминия ишчилар партияси», «Ишасин Георгиу-Дек» деган хитоблар остида ўйиб эшитдирилди.

Митингдан кейин меҳнаткашларнинг қозоналари Сталин номидаги майдонга қорал йўл олдилар. Бу ерда Руминиянинг овоз қилинганига олти йил тўлганлиги муносабати блан натта намоийни бўлди.



## СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ

24 августда Тошкент «Спартак» стадионида СССР биринчилиги учун Талди шаҳар «Калев» командаси блан Тошкент Офицерлар уйи командаси ўрасида футбол мусобақаси бўлди.

Ўзини дастлабки миқуртадан қизғин тус олди. Дарвозабонлар ўйинга қиршиб, ўз командаларини бирнеча марта мағлубиятдан сақлаб қолдилар. Гоҳ у, гоҳ бу томонини ҳужум қилиши блан ўтган биринчи бўлим натижасиз тугади.

Ўйиннинг иккинчи қисмида тошкентликлар ўйин сур'атларини қисман куйайтириб, меҳмонлар дарвозасига бирнеча марта ёриб қирдилар. Меҳмонларнинг дарвоза ҳимоячилари тошкентликларнинг галаба қозониши учун иккинчи бермай, барча ҳужумларни муваффақият блан қайтардилар.

Меҳмонлар қарши ҳужумга ўтдилар. Улар майдоннинг чап томонидаги ўйинчиларга куч бериб, дарвоза чегарасига яқинлашиб келдилар ва қирғилик комбинациялардан сўнг Тошкент дарвозасига тўп киритдилар.

Бу ҳол ўйиннинг боришига та'сир этди. Иккинчи ўртадаги кураш кескинлашди. Ўйин тамом бўлишига 15 минут қолганда меҳмонлар дарвозаси олдида штраф берилди. Тўпнинг бу тўпни дарвозага киритиб, командани мағлубиятдан сақлаб қолди. Шундан сўнги ҳаракатлар натижа бермади. Ўйин 1:1 ҳисоби блан тугади.

Бу ўйин тошкентликларнинг ҳали ҳам ялғирлиги намойишларида йўл қўйганлигини кўрсатди. Улар бу учрашувда галаба қозониш имкониятига эга эдилар. Лекин ҳужумчиларнинг узоққоқсиз, ўз биланларича ўйнашлари, жой танлаш билмасликлари натижасида зўрга дурани қилишга эришилди. Меҳмонлар дарвозаси олдида жуда кўп қулай пайлар бўлди: дарвоза ҳимоясиз қолди, тўп дарвоза томон аниқ узатиб берилди. Шунга қарамай, ўйинчилар бу пайлардан фойдаланмадилар. Ўйин тўпни дарвозанинг у ёнига, бу ёнига, тепасига тепдилар. Бундай камчиликлар меҳмонлар томонидан дегарлик сезилмади. Улар бир-бирларига ёрдам берганлари ҳолда таъбирсиз блан ўйнадилар. Аниқсиз 8 ва 9-нчи номерли ўйинчиларнинг қирғилик комбинациялари болқаларга намўна эди.

Тошкент футболчилари бундан сўнги яна ҳам кучли командалар билан учрашдилар. Агар улар ана шу камчиликларни тезда тугатмасалар, ўйин техникаларини яхшиламасалар, бу учрашувларда юқарида қўйишлари мумкин. Команда ўйинчилари, капитан ва тренер бу масалаларга жиддий эътибор беришлари керак.

## Мас'уд муҳаррир ўринбосари Б. РАҲМОНОВ.

# „Қуриядаги интервенцияни оқлаш учун ҳечқандай асос йўқ“

## Асир тушган америка офицерининг Пхеньян радиоси орқали сўзлаган нутқи

ПХЕНЬЯН, 24 август. (ТАСС). 24-нчи америка дивизия артиллериясининг 63-нчи батальони штабида хизмат қилган ва Чхончжу (Сейсю) раёонида 14 июлда асир тушган майор Чарлз Байер Пхеньян радиоси орқали нутқ сўзлади.

Биз Япониядан жўнаб кетганимизда,—деди Чарлз Байер,—сизлар Қурияда полиция кучлари вазифини бажарасалар, бу кучлар шимолдан қилинган ҳужумни тўхтатишда Жанубий Қурия ҳукуматига ёрдам беришлари керак, деган эдилар. Биз Пусанга келганмиёдан кейин Жанубий Қурия халқи бизнинг Қурияга келишимизни астамгадиглини ва ўз мамлакатини бирлаштиришга астойдил интилаётганини сездик.

Байер бундай деди: Чхончжу раёонида беш кун давом этган қаттиқ жанглардан кейин Халқ армияси қисмлари америка қўшинларини қуршаб олдилар. Америка қўмондонлиги битта солдат қолгунча жанг қилишни буюрди, солдатларнинг Халқ армияси «асир олмайд» деб қўриқмоқчи бўлди. Лекин америка солдатлари ва офицерларидан 80 киши таслим бўлдилар.

«Асир тушганимиздан кейин,—деди ўз сўзини давом эттириб Байер,—сизларга Қуриядаги ҳақиқий аҳвол блан танишиш имконияти берилди. Илгарии

бизга, Қурия халқи бирлаштишни астамгадиган, дер эдилар. Лекин бу ёлгондир. Қурия халқи ҳозирги вақтда қарқачондаги қаратганда ҳам кўнрақ ўз мамлакатини бирлаштиришни астейди. Шу сабабли Жанубий Қурия аҳолиси Халқ армиясини зўр хурсандчилик блан кутиб олди. Ўз мустириликни ва миллий бирлиги учун курашни мақсадида Халқ армияси сағина кирмоқда.

Қуриядаги уруш аслида граждандар урушидир. Шу сабабли бирон мамлакатнинг ёки бирқача мамлакатларнинг интервенцияси оқлаш учун ҳечқандай асос йўқ. Қурия халқи бу урушда ўзининг тамомла мустақил ва овоз бўлишини астейди, ҳолок. Қуриядилар ўзларнинг ички ишларини америкадилар иштиросисиз ҳал қилишлари керак.

Бизларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хафсизлик Совети «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўшинларига» Қурияга бостириб кириш ҳақида буйруқ берди, деган эдилар. Аммо бу ерда менга бизнинг раҳбарларимиз Хафсизлик Советида қарор қабул қилинмасдан илгарии иегогарлик ниятида Жанубий Қурия армиясига Халқ республикасини қарши граждандар уруши бошлаш тўғрисида буйруқ берганликлари ма'лум бўлди.

Бизларга, Ли Син Ман қўғирчоқ ҳу-

куматиини жанубий қурия халқи қўллаб-қувватламоқда, деган эдилар. Ҳақиқатда аса Ли Син Ман ҳукумати жанубий қурия халқидан тамомла янжилик қолдирди»

Байер Америка авиациясининг қурия шаҳарлари ва қишлоқларини ваҳшийлорча пала-партиш бомбардимон қилаётганлигини қоралди. Байер бу бомбардимонлар натижасида жуда кўп тинч аҳоли қирлиб кетганлигини, ишчиларнинг уйлари, мактаблар, кесалхоналар, маданий-оқартув муассасалари, черковлар хароб қилинганлигини айтди.

Мен,—деди Байер,—мен блан бирга бўлган кўпгина ҳарбий асирлар номида, Қуриядаги бошқа америка ҳарбий асирлари номида Қурия фронтдаги солдатларимизни ва Америка Қўшма Штатларининг ҳарбир граждандарни ҳукуматиимизнинг бу бомбардимонларини тўхтатиш учун бутун қуч-қувватларини сарфлашга қарараман. Бу ваҳшича бомбардимонларни тўхтатишга Амеонка қўшинларини дарҳол Қуриядан олиб кетингиз! Қурия халқига ўз тандирини ўзи ҳал қилиш имкониятини берингиз!

Ч. Байер ўз сўзида Қурия Халқ-демократик республикасининг ма'мурлари ҳарбий асирлар блан жуда инсонпарварларча муомала қилаётганликларини айтди.

## УРТОҚ ТОЛЬЯТИНИНГ СОҒЛИГИ ҲАҚИДА БЮЛЛЕТЕНЬ

РИМ, 24 август. (ТАСС). «Унита» газетаси Уртоқ Тольятининг тез тубаллаётганлигини хабар қилди.

23 августда Ибреада врачларнинг конференциясида кейин бюллетень эълон қиланди. Бюллетенда бундай дейилди: «Бемор дам олди. Соғлиғи дуруст. Томир тешиши ва нафас олиши тузук. Температураси—37,1. Яна ренгтен нури блан текшириб қўрилди. Лат ейиш натижасида пешана сунги бироз шикостиламанлиги аниқланди. Лекин бу хавфли асос, чунки бош сунги янги ҳечқандай зарар етказилмаган. Бирнеча кундан кейин бемор олдатқача ўз ишига қиршаслади деб ҳисоблаш мумкин».

Уртоқ Тольятини номига унинг тездор соғайишини тилаб жуда кўп телеграммалар олинмоқда.

## АМЕРИКА ҚўШМА ШТАТЛАРИНИНГ ТЕМИРЙўЛЧИЛАРИ ИШТАШЛАШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 24 август. (ТАСС). Матбуотда бошлан қараларга қараганда, темирйўлчилар ва кондукторлар мустири касаба союзуларининг раҳбарининг 28 августдан бошлаб 300 миң ишчининг умумий ишташларини эълон қилишга қарор берган. Бу ишташлар 131 та асосий темир йўлнинг ишини тўхтатиб қўлади.

Темирйўлчилар касаба союзуларининг

вакиллари иш ҳақини ошириш ва иш ҳафтасини қисқартириш тўғрисида Оқ уйда Трумэннинг ядрамисини Стилман блан олиб борган музокаралар натижасиз тамом бўлганидан кейин ишташлар ҳақида қарор қабул қилган.

Касаба союзулари тормоқ кондукторлари учун иш ҳафтасини қисқартиришни ва иш ҳақини кўпайтиришни 17 ойдан буён талаб қилиб келмоқдалар.

## ДЕХЛИДА «БЕРЛИНИНГ ТАСЛИМ БУЛИШИ» ДЕГАН СОВЕТ КИНОФИЛЬМИ КУРСАТИЛДИ

ДЕХЛИ, 24 август. (ТАСС). Деҳлидаги совет элчихонасида «Берлиннинг таслими бўлиши» кинофильми курсатилди. Фильмни кўриш вақтида Хиндустон ҳукуматиининг а'золари, парламент а'золари, дипломатия миссияларининг бош-

лиқлари, илмий ва жамоат арбоблари—ҳаммаси бўлиб 500 дан ортиқ киши ҳор эриб бўлди. Совет кинофильмининг ҳар икки серияси зўр эътибор блан тамоша қилинди. Тамошабинларнинг айтишича, фильм улларда катта таассурот қолдирган.

## ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА: МУҚИМНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26 АВГУСТИДА НУРХОН.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз Бешинчи океан, кечқурун Жўрғай қалқони.  
«ХЕВА» — Мени кутки.  
«ШАРҚ» — Кубань казаклари.  
«ИСКРА» (киши) — 1-нчи залда кеч соат 9 ва 11 да Биринчи қўлқоп.  
«ОКТАВРЬ» — Қиручилар.

## «ЎЗБЕК ИСТИҚЛАРИ» РЕДАКЦИЯСИГА

юқори малакали стенографистка ва биринчи қўл машинистка **К Е Р А К**  
Тошкент шаҳар, Алексеевская кўчаси, 8-нчи уй. 2-нчи қаватда 31-нчи хонага келиб учрашилсин.

## Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг

**ФЗУ мактаби**  
1) Янгиручи, 2) ўровчи, 3) тўқучи касбларига **УҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**  
ФЗУ мактабига камида 4 синф ҳажмида ма'лумотли, 16 ёшдан 19 ёшгача бўлган қизлар қабул қилинади.

## СССР Химия саноати министрларининг

**Чирчиқ химия-механика техникуми**  
1950/51 ўқув йилига **УҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**  
Техникумда:  
1. Азот технологиясини ишидан технология техникалар;  
2. Тоғ-руда саноатида электро-механика ускуналарини ишла-тириш, ремонт ва монтаж қилиш ишидан электромеханика техникалар;  
3. Химия заводларининг ускуналарини ишлатиш, ремонт ва монтаж қилиш ишидан механика техникалар;  
4. Химия заводларининг электр ускуналарини ишлатиш, ремонт ва монтаж қилиш ишидан электр техникалар тайёрланади.

## Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг

Тошкентдаги **ПОЙАФЗАЛЧИЛАР, ПРОФТЕХНИКА МАКТАБИ**  
1950-51 ўқув йилига **УҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**  
Ўқиш муддати 3 йил.  
Бу мактабда пойафзалчилик ишига қуйидаги мутахассисликлар буюнча юқори малакали мастер-модельерлар тайёрланади:  
1) модель оёқ кишим тилиш мастери, 2) зағатовчи, 3) модельер-қоличи, 4) пойафзал машиналарини соловчи механик.  
7 синф ҳажмида ма'лумотли, 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган йилга ва қизлар қабул қилинади.

## «РОДИНА», «ВАТАН», кишини «ИСКРА», «Биз», «ИСКРА», «ЎЗБЕК ИСТИҚЛАРИ», «УДАРНИК», кишини «НАВОИЙ» (кундуз), «Биз», «НАВОИЙ», «ТЕЛЬМАН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ПУШКИН» кинотеатрларида **МАХФИИ МИССИЯ** деган янги бадий фильм курсатилади.

## Тошкент шаҳар маориф бўлими ҳузуридаги

**қатнаб ва сирдан ўқийдиган УРТА МАКТАБ**  
5, 6, 7, 8, 9 ва 10-нчи синфларга **УҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**  
Ўзбек тилида дарслар дўшанба, қоршанба ва жума кунларида, рус тилида эса сешанба, пайшанба ва шанба кунларида бўлади. Яқинба кунларида янги консултатсиялар ўтказилади.

## Тошкент темир йўлининг ишчилар та'миноти бошқармасига

ишчилар та'миноти бўлимидаги ва совхозларда ишлаш учун: **бош ва старший бухгалтерлар, ревизор-бухгалтерлар**  
**К Е Р А К**  
Адрес: Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 108-нчи уй, Тошкент темир йўли бошқармаси. Телефон — 36-029, 36-034, қўшмача телефон — 29-86.

## Тамала перуели, 12-нчи уйда

туручи А'зам Пулатовнинг 3-нчи Ойроқнинг проед. 2-нчи уйда туручи Хайриқос Мақлоновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Қуйибўйек раёони, 5-нчи участка халқ судида қўрилади.

## СССР Олий та'лим министрлигининг

**ТОШКЕНТ ТўқИМАЧИЛИК ИНСТИТУТИ**  
қуйидаги кафедраларда профессор ўқитиш вазифаларида ишлаш учун

## СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНАДА ЕЗУВ РЕСПУБЛИКА КУРСИ

**УҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**  
Курсининг адреси: Тошкент шаҳар Қрасноармейская кўчаси блан Воскресенский переулони бурчада. Ҳар кун кеч соат 6 дан 8 гача учрашилсин.

## Тошкент шаҳар маориф бўлими ҳузуридаги

**қатнаб ва сирдан ўқийдиган УРТА МАКТАБ**  
5, 6, 7, 8, 9 ва 10-нчи синфларга **УҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**  
Ўзбек тилида дарслар дўшанба,